



ЎЗА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA
BIRLASHAYLIK!

2026-yil,
7-may,
payshanba
№54
(5274)

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

● O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ВОДИЙНИНГ «ТАШРИФ ҚОҒОЗИ»ГА АЙЛАНГАН МАЖМУА

*Марғилонда «Бурҳониддин Марғинович» илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг
қурилиши ўзига хос воқеа сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди*

**Президентимизнинг водий гавҳари саналмиш
Фарғона вилоятига навбатдаги ташрифи янги та-
шаббусларни илгари суриш ва истиқболдаги ри-
вожланиш йўналишларини белгилашда муҳим
босқич бўлди. Жумладан, ҳудуддаги турли соҳа-
ларга боғлиқ туб ўзгаришларга янгича суръат
бағишлади.**

Марғилон номи тилга олинганда эса, аввало, кўз ол-
димизда Буюк Ипак йўлидаги гажум қарвонлар, жи-
лоли ипак матолар, ўзига хос шукухга эга қадимий бо-
зорлар гавдаланади. Ўша замонларда бу шаҳар Шарқ ва
Ғарбни боғловчи муҳим нуқталардан бири ҳисобланган.
Савдогарлар, сайёҳлар ва олимлар унда тўхтаб, нафақат
мол айирбошлаш, балки маданият ва илм алмашиш бил-
лан ҳам шугулланишган. Шунга қўра, Марғилон нафақат
иқтисодий, балки маънавий-маърифий марказ сифа-
тида ҳам тарихда чуқур из қолдирган, Буюк Ипак йўли-
нинг дурдонаси сифатида ҳамиша ўлкамиз фахри бўл-
ган.

Бу шаҳардаги энг катта бойликлардан яна бири ипак-
чилик анъаналаридир. У ерда тайёрланган атлас ва ад-
рас матолари ўзининг табиийлиги, ранг-баранглиги ва
нафислиги билан аҳли дунёни асрлар оша ҳайратга со-
либ келган.

Эндиликда эса Марғилон янгича қиёфа касб этмоқда.
Замонавий инфратузилмани ривожлантириш, туризмга
эътибор ва миллий қадриятларни асраш борасидаги
сатъ-ҳаракатлар уни ўтмиш нафаси, бугунги ҳаёт ва ке-
лаж умидлари уйғунлашган янада жозибадор гўшага
айлантирмоқда.

Зеро, бугун Марғилонга қадам ранжида қилган киши
уни таний олмай, ҳайратга тушиши мумкин. Чунки бу
шаҳар энди нафақат ўзининг қадимий хунармандчилик
анъаналари, балки янги қиёфаси билан ҳам қалбларни
ром этади. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг вило-
ятга тарихий ташрифи чоғида очилган «Бурҳониддин
Марғинович» илмий-маърифий ва туризм мажмуаси
бугун водийнинг фахрига, унинг юрагига, меҳмонларни
том маънода мафтун айлагувчи ҳақиқий «ташриф қоғо-
зи»га айланди.

Президентимиз қарорига мувофиқ, 35 гектар май-
донда шарқона меъморчилик услубида барпо этилган
ушбу мажмуада замонавий меҳмонхоналар, савдо ва
хизмат кўрсатиш шохобчалари, хунармандлар маркази,
миллий бозорлар, музейлар, кутубхона ва амфитеатр ях-
лит бир ансамбль сифатида фаолият юритмоқда. Улар
орасида «Отабек ва Қумуш уйи» ҳам, шубҳасиз, кўпчилик
эътиборини ўзига жалб этади. Бойси, унинг деворларида
«Ўткан кунлар» романи саҳналари жонлантирилган бў-
либ, томоша қилган одам бир зум ўзини асир қаҳрамон-
лари билан ёнма-ён тургандай ҳис этади.

Мажмуани лойиҳалаш ва бунёд этиш ишлари жуда
пuxта режалаштирилган. Натижада қошинли бинолар,
нақшинкор айвонлар, ранглр уйғунлиги замонавий ар-
хитектура ечимлари билан чамбарчас боғланган. Таъбир
жоиз бўлса, ушбу нодир мажмуа олис-яқин тарихдан сўз-
лайди. Ён-атрофидаги сунъий қўллар ва фавворалар эса
у ердаги гўзалликка янада жозиба бағишлайди. Бу ерда
бўсангиз, бамисоли эртақлар оламига тушиб қолгандай
қўзингиз қувнаб, дилингиз яйрайди.

– Омадимиз чопганини қарангки, бизнинг уйимиз
олдида «Бурҳониддин Марғинович» мажмуаси қад
ростлади. Унинг очилишини эшитган қариндошларим
Андижондан келишиди, – дейди Ҳилолаҳон Мама-
зиева. – Ишончим комилки, ушбу иншоот юртдошларимиз
учун ажойиб тўхфа бўлди.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

Касаба уюшмаси аралашгач...

Ганжа Мадаминов 1978 йилдан буён Тупроққалъа туман
тиббиёт бирлашмасида шифокор бўлиб ишлаб келган. Ҳа-
зорасп туманлараро тиббий-меҳнат эксперт комиссияси-
нинг 1988 йил 29 июлдаги далолатномасига асосан касб
касаллиги туфайли ногиронлик белгиланган. 1999 йилдан
эса унга касб касаллиги бўйича муддатсиз даврга II гу-
руҳ ногиронлиги белгиланган. 2022 йилга қадар унга ол-
ган муолажалари учун тўловлар қонунда белгиланган тар-
тибда иш берувчи томонидан қоплаб келинган. Бироқ 2022
йилдан 2025 йилгача бўлган даврда олган муолажалари
учун сарфлаган пуллари тўланмаган. Харажатларини тўлаб
беришни сўраб ёзган аризаси Тупроққалъа туман тиббиёт
бирлашмаси томонидан рад қилинган.

МУОЛАЖА ХАРАЖАТЛАРИ ҚОПЛАНДИ

Шундан сўнг Ганжа
Мадаминов фуқа-
ролик ишлари
бўйича Богот туманлараро
судига мурожаат қилди.
Суднинг 2025 йил 6 ноябр-
даги ҳал қилув қарори би-
лан даъво рад этилди.

Ганжа Мадаминов ка-
саба уюшмаларида на-
жот излади. Касаба уюшма-
лари ундови билан Хоразм
вилояти судига апелляция
шикояти ёзди. Соғлиқни
сақлаш ходимлари касаба
уюшмаси Хоразм вилояти
кенгаши мутахассислари
ишни чуқур ўрганиб, зарур
хужжатларни тўплади ва
апелляция босқичида фаол
иштирок этди.

Апелляция инстанция-
си ишни атрофлича ўр-
ганиб чиқиб, Г.Мадами-
нов фойдасига 31 172 451 сўм
миқдоридagi маблағни ун-
дириш тўғрисида ажрим
чиқарди. Энг муҳими, бу
пуллар тўлаб берилишига
эришилди ҳам. Энди Ганжа
ака ўз соғлигини янада мус-
таҳкамлаш, белгиланган
муолажаларни ўз вақтига
олиш имконига эга бўлди.
Агар инсон ўз ҳуқуқи учун
курашса ва малакаки қў-
макка таянса, адолат, ал-
батта, тикланади.

**Ҳалидулла
ИСОҚЖОНОВ,**
Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгашининг
Хоразм вилояти бўйича
меҳнат техник инспектори



АГРОСАНОАТ СОҲАСИДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИ

жараёндаги муҳим вазифалар нималардан иборат?

Қишлоқ хўжалиги билим ва инновация-
лар миллий марказида Ўзбекистон ка-
саба уюшмалари Федерацияси ҳамда
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба
уюшмаси Республика кенгаши ҳамкор-
лигида ўқув-семинар ташкил этилди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келина-
ётган мазкур анжуман бу гал ҳам
долзарб мавзуларни қамраб олди.
Тадбирда гендер тенглик, меҳнат хавф-
сизлиги ва хотин-қизларни қўллаб-қув-
ватлаш масалалари юзасидан ўзаро фикр
алмашилди.

– Соҳада меҳнат қилаётган аёллар
учун яратилаётган шароитларни мун-
тазам ўрганиш ва такомиллаштириш
муҳим, – деди Агросаноат мажмуи хо-
димлари касаба уюшмаси Республика
кенгаши раиси Эшмирза Абдуалимов.
– Айниқса, ёзнинг жазирамасида да-
лада ишлаш осон эмас. Шундай бўлса-
да, қишлоқ хўжалигида аёллар катта куч
бўлиб қолмоқда ва бу жараёнда гендер тен-
глик масаласи долзарб ҳисобланади. Бу
борада касаба уюшмалари томонидан қа-
тор ишлар амалга оширилмоқда. Айни
пайтда соҳада ҳал этилиши лозим бўл-
ган масалалар ҳам мавжуд. Жумладан,
мутахассисларнинг меҳнат муҳофазаси
ва хавфсизлик бўйича билимларини мус-
таҳкамлаш, ишлаб чиқаришга замона-
вий ёндашувларни жорий этиш муҳим
аҳамиятга эга.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги респуб-
лика иқтисодиётида муҳим ўрин тутати.
Иш ўринларининг қарийб учдан бир
қисми шу соҳага, яъни ички маҳсулот-
нинг салмоқли улуши ҳам айнан шу тар-
моқ ҳиссасига тўғри келади. Шу жиҳат-
дан қараганда, соҳадаги ҳар қандай ис-
лоҳот жамият барқарорлигига бевосита
таъсир кўрсатади.



– Қишлоқлардаги аёлларнинг деярли
барчаси аграр фаолиятга жалб этилган, –
деди «Аграр соҳа аёллари» уюшмаси ра-
иси Адиба Аҳмеджанова. – Улар томорқа
ва деҳқончилик орқали оила даромадига
ва иқтисодиётга ҳисса қўшмоқдалар. Бу-
гун 90 мингдан ортиқ фермер хўжалиги-
нинг 6,5 фоизини аёллар бошқармоқда.
Иқтисодиётда фаол хотин-қизларнинг
43,3 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри ке-
лади. Шунингдек, 2 миллиондан зиёд
аёллар томорқа хўжалиги юмушлари би-
лан машғул.

– Бу тизимда гендер тенглиги устувор
йўналиш ҳисобланади, – деди Қишлоқ
хўжалиги вазирлиги Гендер тенгликни
таъминлаш кенгаши раиси ўринбосари
Нодира Турсунова. – Ўтган йили бу бо-
рада тизимли ишлар амалга оширилди.
Ташкилотлар ва таълим муассасаларида
тенг имкониятларни таъминлаш бўйича
маслаҳат кенгашлари тузилди. Шунинг-
дек, йил давомида 100 дан ортиқ тадбир

ва учрашув ташкил этилди.

Анжуманда иштирокчилар таъкидла-
ганидек, соҳага замонавий хавфсизлик
технологияларини жорий этиш долзарб
вазифа ҳисобланади. Агросаноат тизи-
мида гендер тенгликни таъминлаш бо-
расида муайян натижаларга эришилган.
Аммо хотин-қизлар учун муносиб меҳнат
шароитларини яратиш, уларнинг иқти-
содий фаоллигини ошириш ва ташаб-
бусларини қўллаб-қувватлаш ишларини
изчил давом эттириш талаб этилади.

Иштирокчилар айтишди, маъруза-
ларда истиқболдаги муҳим вазифалар
хусусида сўз борди. Бир сўз билан айт-
ганда, ўқув-семинар ўзаро тажриба ва
фикр алмашиш платформаси бўлиб хиз-
мат қилди.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»
Мирнодир МИРАКМАЛОВ
олган сурат

Ўқув



**Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерациясида
куну тун фаолият
кўрсатадиган**

1211

**рақамли
«Ишонч
телефони»,
яъни
«Call-center»га**

**мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида,
олис ва чекка
қишлоқларида
яшаётган
хотин-қизлар ўз
муаммолари бўйича
исталган вақтда
муурожаат
қилишлари
мумкин.**



Муносабат

Орол денгизининг бугунги қисмати инсоннинг табиат ишларига аралашуви оқибатларининг яққол намоёйишидир. Жумладан, ўтган асрда Амударё ва Сирдарё сувлари қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун аёвсиз сарфланиши туфайли қачонлардир 68 минг квадрат километр майдонни эгаллаган Марказий Осиёдаги энг йирик ҳавза қарийб йўқолиб кетди. Оқибатда минтақа нафақат иқлимини мўътадиллаштириб турувчи денгиздан айрилди, балки аҳоли қум ва туз бўронларидан азият чека бошлади. Глобал иссиқ муаммони янада мураккаблаштирмоқда. Хусусан, ёғинлар камайиши ва музликларнинг эриши Осиё марказида чўллашув жараёнини тезлаштириб юборди.

БАРҚАРОР КЕЛАЖАК УЧУН

Мазкур жиҳат Орол те-
варағидаги давлатлар
етақчилари ҳамда
халқаро ташкилотларни жид-
дий хавотирга солмоқда. Чу-
нончи, Президентимиз БМТ
бош ассамблеясининг 2017
йил 19 сентябрдаги 72-сес-
сиясида қум тўзонларининг
олдини олиш учун кучларни
бирлаштиришга чақирди.

Ташкилотнинг 2021 йил
18 майдаги 75-сессиясида
эса Шавкат Мирзиёев та-
шаббуси билан «Оролбўйи
минтақасини экологик ин-
новациялар ва технология-
лар ҳудуди деб эълон қилиш
тўғрисида» махсус резолю-
ция қабул қилинди. Давла-
тимиз раҳбари БМТнинг
2025 йил сентябрдаги 80-сес-
сиясида мазкур глобал маса-
лани яна кўтарди. Эътибор-
лиси, мамлакатимиз ушбу
муаммога амалий ечим то-
пиш борасида ҳам пешқа-
дамлик қилаётир.

Бинобарин, 2018 йил-
дан буён Президентимиз та-
шаббуси билан Орол денги-
зининг қуриган ҳудуди ва
Оролбўйидаги 1 миллион 453
минг гектар майдонга авиа-
ция, 462 минг гектарга мах-
сус техникалар ёрдамида чўл
ўсимликларининг уруғлари,
85 минг гектарга турли қўчат-
лар экилди. Натижада туз ва
қум бўронлари 50 фоизгача
камайди, қолаверса, ҳудудга
жониворлар қайта бошлади.
2030 йилга қадар яшил май-
донларни яна 1 миллион гек-
тарга кенгайтириш режа-
лаштирилган.

Қувонарлиси, Марказий
Осиё давлатлари раҳбарлари,
олимлари ва экологлари маз-
кур йўналишда ҳамкорликни
кучайтирмоқдалар. Бу жо-
рий йилнинг 22-24 апрель
кунлари Остонада БМТ стра-
тегик шериклиги қўмағида
ташкил қилинган «Барқа-
рор келажақ учун умумий қа-
раш» мавзусидаги минтақа-
вий экологик саммит ҳамда
Оролни қутқариш халқаро
жамғармаси таъсисчи дав-
латлар Кенгаши йиғилишида
яққол сезилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон,
Қирғизистон, Тожикистон,
Туркменистон, Мўғулистон,
Арманистон Президентлари
ҳамда Озарбайжон ва Гру-
зия бош вазирилари, БМТ ҳу-
зуридаги 8 та агентлик ва
халқаро молиявий институт-
лар вакиллари иштирокида
бўлиб ўтган тадбирда табиат
муҳофазасига оид стратегик
таклифлар илгари сурилди.

Мамлакатимиз раҳбари
ҳавога зарарли саноат қиқин-

Нусуратулло ПАРДАЕВ,
*Ўзбекистон қасаба
уюшмалари Федерациясининг
Жиззах вилояти
кенгаши раиси,
сенатор*



Хоразм вилоятидаги «Хумо» болаларни соғлом-
лаштириш оромгоҳида бўлган ўқув–семинарда ёш
ўғил–қизларнинг ёзги таътилига тайёргарлик ма-
салалари муҳокама қилинди. Тарбиячи ва етакчи-
лар фаолиятини такомиллаштириш, фарзандла-
римизнинг хавфсиз ва мазмунли ҳордиқ чиқари-
шини таъминлашга қаратилган янги ёндашувлар
илгари сурилди.

«Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамиятида Ўзбекистон қасаба
уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши вакиллари
ва ташкилот ходимлари иштирокида «Хавфсиз меҳнат асослари»
мавзусида семинар–тренинг ўтказилди. Унда «Ўзбекгеофизика» АЖ
бошқарув раиси ўринбосари Тоҳир Алиқуллов, Федерациянинг Тош-
кент вилояти кенгаши раиси ўринбосари Ўткир Рашидов, меҳнат
инспекторлари, меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходимлар, бош-
ланғич қасаба уюшмалари қўмиталари раислари қатнашдилар.

ХАВФСИЗ МЕҲНАТ – САЛОМАТЛИК КАФОЛАТИ

Сўзга чиққанлар ходимларга
иш жойида соғлом, психо-
логик ва ижтимоий муҳит
яратиш, уни сақлаш, ривожлан-
тириш бўйича билим ва амалий
қўникмалар бериш ҳақида маъ-
рузалар қилишди. Меҳнат жара-
ёнида хавфсизлик қоидаларига
қатъий риоя этишнинг аҳами-
яти, ишлаб чиқаришда бахтсиз
ҳодисалар ҳамда қасб қасалик-
ларининг олдини олиш юзаси-
дан амалий тавсиялар беришди.

– Айрим ҳудудлардаги Обо-

донлаштириш бўлими ходим-
лари кийимларига огоҳланти-
риш белгиси қўйилмайдиган,
– деди кенгашнинг меҳнат ҳуқуқ
инспектори Машраб Мирзаев.
– Ёки қурилишлар жадал маъ-
раётган ҳозирги пайтда ишчи-
лари махсус бош кийимсиз ёки
ҳимоя камарисиз ишлаётганли-
гига кўп гувоҳ бўламыз. Аксари-
яти лавозим йўриқномасини
ўқимайди, унга риоя қилмайди,
ўз ҳуқуқини билмайди.

– Шу йилнинг биринчи чора-

Семинар–тренинг

гида вилоятда 12 та бахтсиз ҳо-
диса содир бўлди, – деди кенгаш-
нинг етакчи мутахассиси Собир
Эрбўтаев. – Оқибатда олти киши
ҳаётдан кўз юмди. Шу каби нохуш
ҳолатларнинг олди олиниши, ҳар
бир ишчининг хавфсизлик қоида-
ларига риоя қилиши, техника ва
ишлаб чиқариш дастгоҳларининг
соз ҳолатда бўлиши муҳим аҳами-
ятта эга.

Семинар–тренингнинг ик-
кинчи қисмида корхонада хо-
димлар иш жараёнида фойдала-
надиган махсус асбоб–ускуналар
ва кийим–бошлар ҳамда шах-
сий ҳимоя воситалари бўйича
меҳнат муҳофазаси ва техника
хавфсизлигига доир кўргазма
ташкил этилди. Шунингдек, қат-
нашчилар ўзларини қизиқтир-
ган масалалар юзасидан мута-
хассислар билан фикр алмашди-
лар.

Шокир ҲАЗРАТҚУЛОВ,
*Ўзбекистон қасаба
уюшмалари Федерациясининг
Тошкент вилояти кенгаши
меҳнат техник инспектори*

Заковат

«АВТООЙНА» ЖАМОАСИ ҒОЛИБ

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари қасаба уюшмаси Фарғона вилояти кен-
гаши томонидан ташкилот ва корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи–ходимлар ўртасида «Заковат»
беллашуви ташкил этилди. Унда 8 та жамоа ўзаро куч синашди. Иштирокчилар ўз интеллектуал са-
лоҳиятларини намойён этдилар. Энг кўп тўғри жавоб берган «Автоойна» МЧЖ жамоаси юқори балл тўп-
лаб, ўйин ғолибига айланди. Ўзининг фаоллиги билан ажралиб турган «UzSUNGWOOD» МЧЖ ишчи–хо-
димлари иккинчи ўринни кўлга қиритишди. «Марғилон механика заводи» жамоаси эса учинчи ўринга
муносиб деб топилди.

Ғолиб жамоалар Метал-
лургия ва машинасозлик
саноати тармоқлари хо-
димлари қасаба уюшмасининг
Фарғона вилояти кенгаши то-
монидан муносиб тақдир-
ланди.

– Тармоққа аъзо корхона ва
ташкilotларда меҳнат қила-

ётган ишчи–ходимлар вақтини
мазмунли ўтказиш ва уларнинг
билимларини мустаҳкамлаш
мақсадида «Заковат» интелек-
туал ўйинини ташкил этдик. Жа-
моалар ғолиблик учун бор билим
ва салоҳиятларини ишга солди-
лар. Бу каби беллашувларни иш-
чи–ходимлар ўртасида мунтазам

ўтказишни мақсад қилганмиз,
– дейди Металлургия ва маши-
насозлик саноати тармоқлари
ходимлари қасаба уюшмаси
Фарғона вилояти кенгаши раиси
Тоиржон Ҳомидов.

**Жалолиддин
АБДУВАХОВОВ**

Тилингдан олдин қалбингни тарбия қил.
Чунки сўз қалбдан келиб, тилдан чиқади.
Жалолиддин Румий

СИФАТ, МАЗМУН ВА МАСЪУЛИЯТ УЙЎНЛИГИ

Ҳозирлик

Семинарни Ўзбекистон қа-
саба уюшмалари Феде-
рацияси Хоразм вилояти
кенгаши раиси ўринбосари Ка-
молжон Бекжонов олиб борди.
Болаларнинг дам олиши ва
соғломлаштирилишини ташкил
этиш департаменти бўлим бо-
лиги Т.Абдурахмонов, бош му-
тахассис Ш.Жўраева кун тарти-
бидаги масалалар ва навбатдаги
вазифалар хусусида батафсил
маълумот бердилар.

Болаларнинг мароқли дам
олишини самарали ташкил
этишдаги энг муҳим омиллар
дан бири тарбиячи ва етакчилар-
нинг салоҳиятидир. Ўқув–семи-
нарда айнан шу жиҳатга алоҳида
урғу берилиб, тақдимотлар ва
маҳорат дарслари орқали ишти-
рокчиларнинг амалий қўник-
малари оширилди. Креатив
руҳдаги машғулотлар, кўргазма-
лар ва интерактив ўйинлар бола-
лар билан ишлашда инновацион
усулларни қўллаш зарурлигини
намоён этди.

Семинарда 12 кунлик дастур
асосида фаолият юритиш, ҳар
қунга алоҳида ном ва мазмун
беришнинг аҳамияти тушунти-

рилди. Бу усул ўқувчиларнинг
вақтини мазмунли, қизиқарли
ва тарбиявий тарзда ташкил
этиш имконини беради, улар-
нинг ҳам жисмоний, ҳам маъна-
вий–ахлоқий ривожига хизмат
қилади.

– Департаментимиз зимма-
сига Янги Ўзбекистон болала-
рининг ёзги дам олишини маз-
мунли ўтказиш бўйича устувор
вазифалар юклатилган, – дейди
Тоҳир Абдурахмонов. – Улар-
нинг ижросини таъминлаш
бўйича аниқ чора–тадбирлар
ишлаб чиқилган. Шунга қўра,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Тошкент шаҳри ва барча вило-
ятларда тасдиқланган жадвалга
биноан ўқув–семинарлар ўтка-
зилмоқда. Қолаверса, мактаб-
гача ва мактаб таълими ҳамда
олий таълим вазирилари ҳам-
корлигида айнан шу масалага
доир услубий қўлланмалар тай-
ёрланган. Улар асосида 12 кун-
лик дастур бўйича амалга оши-
рилиши лозим бўлган ишлар
тестлар ва маърузалар орқали
тушунтирилди.

Семинар давомида ором-
гоҳларни мавсумга ҳозирлашга

Руслан БОВОЖОНОВ,
*Болаларнинг дам олишини ва
соғломлаштирилишини
ташкил этиш
департаментининг
Хоразм вилояти бошқармаси
бошлиғи*

Ҳуқуқ

ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРГА ИШ ФАОЛИЯТИДА ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИМИ?

Ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган болалари
бор аёлларни уларнинг ҳомиладорлиги ёки
фарзанди борлигини вақ қилиб ишга қабул
қилмаслик ишга қабул қилишни ғайриқо-
нуний равишда рад этиш, деб ҳисобланади.
Уларни ишга қабул қилишни рад этиш ва иш
ҳақини камайитириш тақиқланади.

Ишга қабул қилиш рад этилган тақ-
дирда иш берувчи бунинг сабаблар-
ини ёзма равишда маълум қилиши
шарт. Бу аёллар ишга қабул қилишни рад
этганлик устидан судга шикоят қилишлари
мумкин. Шунингдек, ҳомиладор ва уч ёшга
тўлмаган боласи бор аёлларга нисбатан даст-
лабки синов белгиланмаслигини эсда тутиш
керак.

Қонунчиликка қўра, йиллик асосий таъ-
тил ходимларга биринчи иш йили учун олти
ой ишлагандан кейин берилади. Лекин аёл-
ларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили олди-
дан ёки ундан кейин, уларнинг хоҳиши бўйи-
ча олти ой ўтмасдан олдин берилади.

Тиббий хулосага мувофиқ, ҳомиладор аёл-
ларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш
нормалари камайитирилади ёки улар аввалги
ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақлан-
ган ҳолда, енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб
чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган
ишга ўтказилади.

Ҳомиладор аёлга енгилроқ ёки ноқулай
ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи
иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар,
у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш
қунари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақлан-
ган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

Алишер РАҲМАТОВ,
*Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерациясининг Навоий вилояти
кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори*

Наманган шаҳридаги 37–умумий ўрта
таълим мактабида «Хотира – абадий,
эҳтиром – муқаддас», «Бурч, жасо-
рат, матонат!» шиорлари остида маъ-
навий–маърифий тадбир ўтказилди.

Муҳайёхон Ғаффарова ва Ҳа-
физхон Дадабаев хотирасига
бағишлаб ўтказилган кечада
уларнинг ҳаёти ва фаолияти, ёш ав-
лод тарбиясидаги бекиёс ҳиссаси
ҳақида сўз юритилиб, устозларга бўл-
ган ҳурмат ва эҳтиром яна бир бор на-
моён этилди.

Тадбир доирасида мактаб ўқув-
чилари ва ўқитувчилар томонидан
турли кўргазма ва танловлар ташкил

ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

этилди. Жумладан, «Миллий қадри-
ятлар ёшлар нигоҳида» мавзусидаги
кўргазмалар, спорт мусобақалари,
«Қўшлар байрами», ўқувчилар қўл
меҳнати намуналари, «Турон мактаб
театри» чиқишлари, «Ош танлови»
ҳамда «34 ҳафта – 34 китоб» лойиҳаси
иштирокчиларда катта қизиқиш уй-
ғотди.

Фаол иштирок этганлар қасаба уюш-
маси шаҳар кенгаши томонидан му-
носиб тақдирланди. Шунингдек, На-
манган вилояти мусикали драма те-
атрида намоёйиш этилган «Муҳаббат
нафаси» концерт дастурига байналми-

лалчи жангчилар, меҳнат фахрийлари
ва қасаба уюшма фаолларидан 50 на-
фарига чипталар тақдим этилди. Бун-
дан ташқари, қасаба уюшмасининг
8 нафар фаол аъзоси учун Тошкент
шаҳрига саёҳат уюштирилди.

Энг эътиборли жиҳати – нуруний-
лар ҳолидан хабар олингани бўлди.
Жумладан, Муборакхон Дадабоева,
Мағфиратхон Бабаева ва Муҳаррам-
хон Ахмедова каби устозлар уйларига
бориб, уларга совға–саломлар ва озик-
овқат маҳсулотлари берилди.

– Шундай дориламон кунларни
кўриб турганимга шукр қиламан.

Ёшларимизнинг биз, кекса авлод ва-
киллари эслаб, ҳолимизни сўраб
туриши – катта бахт, – дейди юз
ёшн қаршилаётган Муборакхон
Дадабоева. – Вақтида ишлаганмиз,
қўллаб ёшларга устозлик қилган-
миз, бугун эса доимий эътиборда-
миз. Бу юртимизда инсон қадри юк-
сак даражада улуғланаётганининг
исботидир.

Акмалжон УМАРОВ,
*Таълим ва фан ходимлари қасаба
уюшмаси Наманган шаҳар
кенгаши раиси*



Қадр



Сўранг, жавоб берамиз

САВОЛ: Ойлик ма-ошларимиз тез-тез кечиктириб берилади. Эшитишимча, иш ҳақи муддатидан ўтказиб тўланган тақдирда, иш берувчи ходимларга компенсация бериши керак экан. Шу ростми?

Дониёр ЭШОНХУҲАЕВ
Тошкент вилояти

МАОШ
МУДДАТИДАН
КЕЧИКСА,
КОМПЕНСАЦИЯ
БЕРИЛИШИ
КЕРАКМИ?

ЖАВОБ: Меҳнат қончилигида иш берувчи томонидан ходимларга иш ҳақи тўлаб бериш тартиби ва муддатлари аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, ойлик маош тўлаш муддатлари жамоа шартномасида ёки ички ҳужжатда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган муддатларда тўланиши ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларга ойлик иш ҳақи, қоида тарикасида, ўн олти кундан кўп бўлмаган танаффус билан икки қисмга бўлинган ҳолда (бўнақда ва қолган қисми миқдорида) тўланади.

Иш ҳақи тўланадиган кун дам олиш кунига ёки ишланмайдиган байрам кунига тўғри келиб қолганда ушбу кунлар арафасида тўланади.

Баён этилганларга кўра, иш ҳақини ўз вақтида тўлаб бермаслик (кечиктириб тўлаш) иш берувчи учун ходим олдида моддий жавобгарлик келтириб чиқаради.

Бу ҳолатда ходим иш ҳақи бўйича асосий қарздорликдан ташқари кўшимча равишда компенсация тўлаб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Иш берувчи иш ҳақини, таътил тўловларини, меҳнат шартномаси бекор қилингандаги тўловларни кечиктирган тақдирда, компенсация тўлаши шарт. Унинг миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг ўн фоизи миқдоридида белгиланади.

Агар иш берувчи компенсация тўлашни рад этса, ходим тегишли тартибда меҳнат инспекциясига ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Алишер Навоий

ЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТ АРЕНАЛАРИДА
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

Бугун Ўзбекистон ёшлари спортнинг турли йўналишларида ўз иқтидори, куч ва салоҳияти билан юрт шаънини жаҳон спорт ареналарида муносиб ҳимоя қилишмоқда. Ҳатто дунёнинг бошқа бир чеккасида яшайётган инсонлар ҳам Абдуқодир Ҳусанов, Жавоҳир Синдаров каби спортчиларимизга мухлислик қилиб, Ўзбекистонга тан беришмоқда.

Ф ахр билан айтиш жоизки, бизнинг йигит-қизларимиз илм-фан майдонида ҳам дунё бўйича пешқадамлик қилишмоқда. Бундай муваффақиятларга ҳисса қўшаётганлар орасида Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-академик лицейи ўқувчилари ҳам бор. Улар республикамиз таълим тизими тарихида янги саҳифа очиб, илк бор халқаро ва жаҳон фан олимпиадаларида олтин медални қўлга киритишди. Россия, АҚШ, Туркия, Қозоғистон, Корея, Сингапур, Дания, Индонезия, Швейцария, Вьетнам, Озарбайжон, Грузия, Таиланд, Эрон, Чехия, Франция, Японияда бўлган халқаро фан олимпиадаларида тенгдошлари билан беллашиб, ғолибликка эришдилар. Бугунги кунгача 13 та олтин, 25 та кумуш ва 49 та бронза – жами 87 та медалга сазовор бўлдилар. Шунингдек, иқтидорли ўқувчилар «Зулфия», «Шухрат», «Келажак бунёдкори», «Мард ўғлон» каби давлат мукофотларига лойиқ кўрилдилар. Бундай ютуқ ва рағбатлар, биринчидан, тинимсиз меҳнат, изланишлар, яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва имкониятларнинг самараси ҳисобланса, иккинчидан, ёш авлод билими, маънан етук, фидойи ва ватанпарвар инсонлар сифатида камол топаётганидан далолат беради.

Бу йил ушбу масканда таълим сифатини янада ошириш учун замонавий инфратузилма яратиш ишлари изчил амалда олинибди. Хусусан, лицейнинг биология лаборатория хонаси сўнгги русумдаги, халқаро ва миллий олимпиадаларга ихтисослаштирилган замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Кимё лабораторияси ҳам тўлиқ янгиланди. Ўқувчилар унда назарий билимларини амалиётда



қўллаш имкониятига эга бўладилар. Кутубхона эса ўқувчилар учун ҳақиқий илм-маърифат масканига айланган. Бой адабиётлар фонди, қулай ўқув муҳити ва замонавий ёндашув ўқувчилар мустақил изланишлар олиб боришлари учун хизмат қилмоқда.

Академик лицей педагогларининг аксарияти юқори илмий даражага эга. Улар жорий тартиб-интизом ва махсус таълим методикасига қатъий риоя қилишади. Ўқувчиларга дарс беришдан ташқари, илмий изланишлар олиб боришади, мактаб дарсликлари ва ўқув қўлланмалари устида ишлашади. Чунончи, Бахтиёр Усмонов, Шаҳноза Шодмонова, Фахриддин Исақулов каби устозлар кимё фани бўйича мактаб дарсликлари яратишга муносиб ҳисса қўшишган. Профессор Ортиқбой Эшонкулов эса, 20 дан зиёд дарслик муаллифи сифатида танилган.

«Устоздан ўлмаган шогирд – шогирд эмас» деган нақл ҳам айнан шу ўқув масканига хос. Негаки, устозларнинг билими, босиб ўтган

ҳаёт йўллари ва берган сабоқлари талабаларнинг илдам ҳаракатларига, дунёни лол қолдирувчи муваффақиятларга эришишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, уларнинг меҳнатлари ва изланишлари шарофати ўлароқ ушбу академик лицей мамлакатимиздаги нуфузли билим даргоҳларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозир бу масканда халқаро Cambridge ўқув дастури ўзбек тилига таржима қилинаётгани ҳам таълимни янги босқичга олиб чиқишга, талабалар янада кўпроқ ютуқларга эришишга туртки бўлмоқда.

Лицей битирувчилари кейинги иш фаолиятларида ҳам нималарга қодирликларини амалда исботламоқдалар. Изчил меҳнат, билимга чанқоқлик ва интилишлар орқали юқори натижаларга эришиб, турли соҳаларда ўз ўринларини топтоқдалар. Айниқса, тиббиёт ва илм-фан йўналишларида ишлаётганлари жамият ривожига муносиб ҳисса қўшиб, малакали шифокор, иқтидорли тадқиқотчи сифатида элга танилмоқдалар. Қолаверса, ўз

«ЎЗ»НИ «ЎЗГА»ГА
АЛМАШТИРИММИ?

қаерда (!) ва қай тарзда (!) истеъмол қилиш яхшироқ эканлигига ишора эканлиги ҳам ойдайд равшан.

Энди, айтايлик, гўёки фақат шарбатни реклама қилаётган шу қаҳрамонлар эғнидаги футболкага масалан Америками, Хитойми ёки бошқа давлатнинг байроғи тасвири, гарчи жуда кичик ўлчамда бўлса ҳам, туширилган бўлса-чи? Бу, турган гапки, байроғига қараб ўша давлат «параст»ларини, аниқроғи, америкапарастликни, хитойпарастликни ёки шу каби ҳолатларни кучайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу кийимларда ёки орқа фонда (бу режиссёрлар маҳоратига боғлиқ) қайсидир давлат ё миллатнинг, масалан, араб имлоси, хитой, инглиз, хинд ёки бошқа миллат ёзуви туширилган бўлса, у ҳам ўша миллат истиқомат қилдиган давлатнинг «параст»лари қўпайишига билвосита хизмат қилади. Бир қарасангиз, шарбатнинг мазалилиги ҳақида ахборот бериляпти ва фақат шарбат кўз-кўз қилинапти. Лекин бу сувдаги айсбергнинг кўриниб турган ва унинг жуда кичик қисмини ташкил этадиган уч томони, холос. Унинг йирик кемаларга вайронкор талафот етказишга қодир бўлган, кўзга кўринмас қисми эса сув остида жойлашган. Бу масаланинг реклама ортига яширинган, бир қарашда кўринмайдиган, онг остига билвосита сиздириладиган томони.

Умуман олганда, мафқуралар тарғиботида ҳозир бевоситадан кўра билвосита жиҳатлардан фойдаланиш кенг авж олган. Аслида улардан азалдан тактик кураш сифатида фойдаланиб келинган. Масалан, қамал қилинган қалъадагилар ўзлари очликдан тупроқ яласалар ҳам, 5-10 та молни боқиб семиртиришган ва гўёки «ўтлатиш» учун уларни қалъа ташқарисига чиқариб юборишган. Душман кўрсак, моллар семиз-бақувват. Бу эса қамалдагилар очликдан қийналишмаётганини, уларга ташқаридан қирадиган яширин оқимлар мавжудлигини аңлатади. Шу боис босқинчилар ортга чекинишади. Демак, бу ўринда ҳам ахборот устомонлик билан бошқача ниқобда етказилган. Ана, сизга ахборотнинг яна бир мафқуравий кучи.

Энди юқорида таърифланган суратга қайтайлик. Биламан, бунақанги рекламалар ҳар қадамда тиқилиб ётибди. Кўчадаги дўконлар, тадбиркорлик субъектларидан аксариятининг номи ажнабий тилда. Ижтимоий тармоқларга боқсангиз, либослар, қўшиқлар, сўзлар ва яна бошқа воситалар ўзга тиллар билан аралашиб кетганини кўрасиз. Шоу кўрсатувларини олиб борувчиларни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Қўшма корхоналар майли, ҳатто маҳаллий тадбиркорлар ҳам ўз фирмаларига ажнабийча ном қўйиб олишган. Ҳатто баъзи давлат ташкилотларига борсангиз, қўриқчиларнинг эмас, «security»ларнинг назоратидан ўтасиз.

Хўш, қачонгача бегона тилда сўзлаб, бегона номларни қўпайтирамиз? Қачонгача ўзгалар қолиб, ўзимиз ҳам ўзгалар мафқурасини бошимиз узра қиличдек ўйнатамиз?

Тўғри, қилич бор экан, қалқон ҳам топилади. «ЎЗГА»га қарши ҳамшиша «ЎЗ» ва «ЎЗНИКИ» туради. Бу «ЎЗ» ўзимизнинг



қадриятлар, ўзимизнинг ёзувимиз, ўзимизнинг тилимиз, ўзимизнинг қудратимиз, ўзимизнинг бирлигимиз, ўзимизнинг ғуруримиздир.

Ушбу сўзларим, эҳтимол, кимгадир бандандаровозда туюлар. Бироқ аслида бу гаплар «ўзимнинг уйим», «ўзимнинг онам», «ўзимнинг отам», «ўзимнинг ғоям», «ўзимнинг обрўйим» деганидир. Зеро, одамларнинг аксарияти шахсий обрў-эътиборини пулга сотмайди. Акс ҳолда, андишасизлик қилган бўлади. Борди-ю, кимдир «ўзимнинг отам содда ва камбағал», деб «ўзга»нинг отаси бой ва ўқимишли бўлгани учун уни ўз дастурхонининг тўғрига, ўз отаси ўрнига ўтказса, бу ғурурсизликдир.

... Мен гўёки ўз махсулотлари рекламаси «жозибадорлигини ошириш учун ажнабий унсурлар ва сўзларни қўллаётганларга, отаси дуосини олиб ўзлари қурган корхона, фирмаларига ажнабий ном қўяётганларга, «ўзгаларники» бўлишга «ўзлик»ни алмаштираётганларга дўпписини бошидан олиб, бобосидан қолган танчага суяниб, бувиларнинг асрлар оша хиргойи қилиб келинаётган алласини эшитиб, би-и-и-р ўйлаб кўришларини тавсия қилган бўлардим.

Шаҳдо АҲРОРОВА,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини етакчи илмий ходими,
фалсафа фанлари доктори,
доцент

ИЛМ АВЛОДИНИ ТАРБИЯЛАЁТГАН УСТОЗ

Академик Қаландар Абдурахмонов яратган илмий мактаб ва олимнинг замонавий Ўзбекистонда инсон капитали ривожига қўшаётган ҳиссаси илм аҳли, хусусан, ёш тадқиқотчилар учун намуна бўла олади



XXI асрда давлатлар ўр-тасидаги рақобат таби-ати тубдан ўзгарди. Агар кеча иқтисодий услулиқ табиий ресурслар билан белгиланган бўлса, бугун у инсон капитали сифа-тига боғлиқ. Америкалик иқтисодчи олим, Нобель мукофоти лауреати Гэри Беккер таъкидлаганидек, «Инсон капиталига инвес-тиция — энг юқори даро-мад келтирадиган инвес-тициядир».

Инсон капиталини тезкор яратиш мумкин эмас. У узлуксиз таълим, илмий мактаблар ва фикрлаш маданияти орқали шаклланадиган мураккаб ижтимоий тизим. Ана шундай тизимларни ярата олган олимлар жамият тараққиётида хал қилувчи роль ўйнайди. Ишонч билан айтиш мумкинки, академик Қаландар Абдурахмонов ана шундай олимлар қаторига қиради.

...1988-1990 йилларда, биз, илмий йўл бошида турган бир гуруҳ ёш тадқиқотчилар Москвада ўқиган эдик. Хусусан, Қаландар Ходжаевич докторантурада, мен эса аспирантурада тахсил олардик. Ўша йиллар учун Абдурахмонов домладан жудаам миннатдор-ман. Унинг илмий-услубий ёрдами ва қўлаб-қувватлаши мен учун, мен каби бошқа ёш тадқиқотчилар учун катта аҳамиятга эга бўлган. У кишининг докторантурада тахсил олишига қарамай, илмий тадқиқот олиб бо-риши, доимий банд бўлса-да, бизга ҳам қўмак бериши, ҳолимиздан хабар олиб туриши бу — юксак инсонийлик намунаси эди.

Ўша йиллари у кишидан олган энг катта сабоғим шу бўлди: илм — бу илҳом эмас, илм — бу тизим. Домланинг ишлаш услуби айнан шу мантқиққа асосланар эди: муаммо аниқ қўйилади, унинг доираси чегараланади, ман-балар тизимли равишда йиғилади, таҳлил

босқичма-босқич амалга оширилади. Бу қараш оддий туюлади, лекин амалда айнан шу ёндашув кўплаб тадқиқотларда етишмайди. Шунинг учун ҳам домланинг илмий маҳсул-дорлиги тасодиф эмас. Бу методга айланган интизомдир.

Қ.Абдурахмонов иқтисодиёт фанининг серкирра тадқиқотчиси ҳисобланади. У киши нафақат анъанавий меҳнат иқтисодиёти на-зариyasi билан, балки унинг энг замонавий йўналишлари билан ҳам шуғулланиб кел-моқдалар. Бу ҳолат устознинг фанга билим-лар мажмуи эмас, балки доимий тараққиёт-даги тизим сифатида қараб келишларининг аяққол кўринишидир.

Олимнинг илмий ишлари ҳажми салкам 2000 босма табоқдан ошади. Бир қарашда бу рақам ҳайратланарли. Аммо бу ерда асо-сий масала рақам эмас, балки унинг орти-даги узлуксизлик ва стратегиядир. Чунки ил-мий фаолиятда энг катта қиймат — давомий-лик. Иқтисодчи Пол Ромер таъкидлаганидек: «Ғоялар — чексиз ресурс». Қаландар Абдурах-моновнинг илмий фаолияти айнан ғоялар иқтисодиёти мантинига мос келади.

Илмий мактаб — бу шунчаки шоғирдлар гуруҳи эмас. У фикрлаш услуби, тадқиқот ме-тодологияси ва интеллектуал маданиятни узатиш тизимидир. Устоз 100 га яқин фан док-

тори ва номзодларини тайёрлаган. Бу рақам ортида: бир неча илмий авлод, турли йўна-лишларда давом этаётган тадқиқотлар ва ин-теллектуал таъсир доираси ётади. Бу мак-таб куйидаги йўналишларни қамраб олган: меҳнат иқтисодиёти; инсон капитали наза-риyasi; ижтимоий-меҳнат муносабатлари; рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллект.

Бу ерда энг муҳим хулоса: Қаландар Абду-рахмонов мавжуд йўналишларга мослашма-ган, янги йўналишлар яратган олим.

Бугун дунё рақамли трансформация босқичида. Сунъий интеллект, автоматизация ва билим иқтисодиёти — бугунги гло-бал трендлар. Бу жараёнда инсон капитали ва технология ўртасидаги боғлиқлик хал қи-лувчи аҳамият касб этмоқда. Олимнинг ил-мий ишларида айнан шу интеграция эрта пайдо бўлгани унинг стратегик фикрлашини кўрсатади. Бу шунчаки илмий қизиқиш эмас эди. Бу келажакни олдиндан ҳис қилиш қоби-литидир.

Тан олиш лозимки, устоз иқтисодий ти-зимларда сунъий интеллектнинг ўрни, унинг мазкур тизимларга кириб келиши ва самара-дорлигига таъсирига бағишлаб ёзилган энг биринчи ва энг нуфузли илмий асарлардан бирининг муаллифи. Мазкур асар бугунги кунда қатор олий таълим муассасаларида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Замонавий илм миллий чегараларни тан олмайди. Қаландар Абдурахмоновнинг асар-лари Германия, Британия, Индонезия, Ма-лайзия ва бошқа давлатларда нашр этилгани унинг халқаро миқёсдаги таъсирини кўрс-тади. Энг муҳими, у ўз мактабини глобал ил-мий муҳитга интеграция қилди, миллий ил-мий фикрни халқаро майдонга олиб чиқди. Илмий асарлари эса нафақат ўзбек тилида ва Ўзбекистонда, балки рус ва инглиз тилларида илгор хорижий давлатларда ҳам чоп этилиб келинмоқда. Жумладан, меҳнат иқтисодиё-ти, инсон ресурсларини ривожлантириш ва сунъий интеллект соҳасидаги асарлари АҚШ, Буюк Британия, Россия ва бошқа қатор дав-латларда нашр этилиб, ёш олимлар ва тала-балар эътибори ва эътирофига сазавор бўлиб келмоқда.

Бугун Янги Ўзбекистонда инсон капитали стратегик устуворликка айланмоқда. Бу жа-раёнда энг муҳим ресурс билим эмас, балки

фикрлайдиган инсондир. Илмий мактаблар эса айнан шундай инсонларни шаклланти-ради. Чунки улар билимини қайта ишлайди, фикрлашни ўргатади, интеллектуал инти-зомни шакллантиради. Абдурахмонов дом-ланинг мактаби айнан шу вазифани бажар-моқда.

Қаландар Абдурахмоновнинг нафақат ил-мий, балки юксак яратувчанлик қобилияти-нинг аяққол намунаси Ўзбекистонда биринчи бор хорижий нуфузли университет филиали-нинг очилиши ҳисобланади. Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиалининг очилиш тарихини билган ва ўша жараёнлар шоҳиди бўлган киши сифатида академик Қаландар Абду-рахмоновнинг юксак ташаббускорлиги, ғай-ратли ва шижоатли ташкилотчилигига тасан-нолар айтаман. Аминманки, мазкур фили-алнинг нуфузи ва кейинги тараққиёти доим академик Қаландар Абдурахмонов номи билан боғлиқ бўлиб қолади.

Ҳар сафар домланинг илмий мақолалари ёки асарларини ўқиганимда, у кишининг илмга ва илмий узлуксизликка эътиборига ҳайрат билан қарайман. Олим илмий мактаб-ларга узлуксиз илмий тадқиқот маҳсули си-фатида қарайди. Энг муҳими — мазкур қонда устознинг эътибор марказида туради. Худди шу ёндашувга кам эътиборлик, менинг на-заримда, бугунги илмий жараёнларнинг энг катта камчиликларидан бири.

Мен учун Қаландар Абдурахмонов илмни тизим даражасига кўтарган, маҳсулдорлиқни қобилиятдан методга, илмий ишни жара-ёнда тизимга айлантира олган забардаст олим. Ва айнан шу жиҳат, менимча, унинг энг катта кучидир.

Илмга ҳар ким кириши мумкин, аммо унда из қолдириш камдан-кам инсонларга на-сиб этади. Ҳақиқий илм: маълумот эмас — ти-зим, тасодиф эмас — интизом, яқка ўтук эмас — давом этувчи жараён. Абдурахмонов домла ана шу ҳақиқатни амалда исботлаган олим-дир. У шунчаки китоб ёзмапти — у илм авло-дини яратмоқда.

Адҳам БЕКМУРОДОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Мулоҳаза

соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб этиш, селекция ва тайёрларлик тизи-мини такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтка-зилган видеоселектор йиғилишида сўнгги тўққиз йилда юртимиздаги 1,5 мингдан зиёд маҳаллада 1 минг 774 та замонавий спорт майдончаси қурилган, жойларда 200 дан зиёд йирик спорт иншоотлари, 4 мингга яқин хусу-сий спорт клублари иш бошлагани таъкидланди. Бироқ спорт базаларига бойлиги жиҳатидан пойтахтдан кейин ўринда турадиган Самарқандда 100 минг нафар ёшни проф-фессионал шуғуллантирса бўладиган спорт масканлари қувватининг атиги учдан бир қисмидан, Навоий ва Сур-хондарё вилоятларида эса ярмидан фойдаланилаётгани ачинарли ҳолдир. Таъбир жоиз бўлса, давлатимиз аҳоли саломатлиги учун қайғураётган бир пайтда биз туну кун ишлайдиган чойхона, ошхона, сомсахона ва бошқа тамад-дихоналарда тансиқ таомлар тановул қилиш билан банд-миз. Ошна-оғайнилар, синфдошлар, қариндошлар, маҳал-ладошлар ва ишхонадагилар билан «гап»ларимизнинг ҳам сон-саногии йўқдек. Ана шу жараёнда меъёридан ор-тиқ овқатланиш ва кам ҳаракатлилик турли касаллик-лар урчишига олиб келмоқда. Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдурахмонов фаоллар билан учрашувда бу муаммога алоҳида тўхталиб, «гап»дан чиқиб, «гап»га бо-раётган хотин-қизлар ўртасида қандли диабет хасталиги кўпаяётганини афсус-ла тилга олганди.

Бинобарин, ҳар биримизнинг соғлиғимиз, аввало, ўз қўлимизда. Эрта тонгдан машқ майдонига, стадион ва бассейнга бориб, спорт ёки жисмоний тарбия билан шуғул-лансанк, фойдадан холи бўлмайди. Саломатлик ҳеч нарасага тенглаштириб бўлмайдиган бебаҳо бойлик ҳисобланади.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Кўргазма



«БУХОРО АФСОНАСИ» НИНГ СИРЛИ ЖОЗИБАСИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон халқ рассоми, Бадий акаде-мика академиги Алишер Мирзоев (Алишер Мирзонинг «Бухоро афсонаси» номли шахсий кўргазмаси бошланди.

Унинг очилишида рассомнинг оила аъзо-лари, шоғирдлари, ҳамкасблари ва чет эл-лик меҳмонлар иштирок этишди.

– Шахсий кўргазма мусаввир учун ниҳоятда масъулиятли жараён, — деди Ўзбекистон Ба-дий академияси раиси Акмал Нуриддинов му-саввирнинг ижоди ва санъатга олиб кирган янги йўналишлар ҳақида сўзлар экан. — Алишер Мирзо эса бу масъулиятни рассомлар орасида энг кўп ҳис қилган. У тасвирий санъатсиз ҳаётини тасаввур қилолмайди. Ижод билан яшайди, ижод билан на-фас олади. Биз доим бу инсонга ҳавас қиламиз.

Халқ рассоми Собир Раҳметов эса устоз до-имий изланишда эканини ва бир йўналишда қотиб қолмаслигини айтиб ўтди:

– Рассом агар бир йўлда қотиб қолса, у тўхта-ган бўлади. Алишер акада бу одат йўқ. У хар йили турли йўналишда ижод қилади. Институтда ҳам кўп йиллар дарс берди. Юзлаб шоғирдлари бор. Муаллифлик китоблари нашр этилган. Ишон-чин комилки, у нафақат рассом, ёзувчи сифатида ҳам миллий санъатимиз тарихида қолади.

Бекзод Хожиметов эса рассомнинг педагоглик фаолиятига тўхталиб, 2001 йилда институтда таш-кил этилган устахонасида табиати композиция-га айлантириш бўйича катта мактаб яратганини ва бу мактаб вакиллари бугун турли соҳаларда му-ваффақиятли ижод қилаётганини таъкидлади.

– Болалигимдан дадажоним ва ойиқжоним-нинг меҳри тўла гўзаллик муҳитда улғайганман, — деди рассомнинг Норвегиядан келган набираси Динара. — Шу сабабли қалбимда илиқ хотиралар сақланиб қолган. Норвегияда биз Алишер Мирзо галереясини ташкил этганмиз. Бу Ўзбекистонни эслатиб турувчи бир кичик маскан. Галереянинг асосий қисмини бобомизнинг асарларидан ибор-рат доимий экспозицияга бағишлаганмиз. Қолган залларда эса Скандинавия рассомларининг мав-суумий кўргазмалари намойиш этилади. Бугунги кўргазмада асарларга чуқурроқ назар билан қа-рашларингизни илтимос қиламан. Улар ижодий сафарлар ва ички изланишлар ҳақида ҳикоя қи-лади.

Кўргазма муаллифи Алишер Мирзо барча меҳ-монларга миннатдорлик билдириб, санъаткор учун энг зарур нарсас — эътироф ва танқид эканини эслати:

– Адабиётшунос Иброҳим Рафуров: «Ижод-корга кўп нарсас керак эмас — ё озроқ эътироф, ё озроқ танқид», деган эди. Галереяда рассомлар билан томошабинлар ўртасида мунтазам учра-шувлар бўлиб туради. Тадбирларда фаол бўли-шингизни жуда хоҳлайман.

Кўргазмада муаллифнинг сўнгги икки йил ичиди яратган 40 га яқин мураккаб композицияли асарлари намойиш этилмоқда. Асарларнинг акса-рияти Бухорога бағишланган бўлиб, рассом бу қа-димий шаҳарни фақат меъморий ёдгорлик сифа-тида эмас, балки маданий хотира, тарих, анъана ва шахсий кечинмалар уйғунлашган макон сифа-тида талкин қилади.

Дарҳақиқат, «Бухоро аёллари» (2025), «Бухо-рода бешиқ тўйи» (2024), «Бухорода Наврўз» (2024), «Кулолчи фаришта қизлар» (2025), «Карвон» (2026) каби асарлар орқали томошабин Бухоронинг ранг-баранглиги, унинг фалсафаси ва жозиба-сини ҳис қилади.

Гулурухбегим ОДАШБОВЕВА
«ISHONCH»

«ГАП»ДАН ЧИҚИБ, «ГАП»ГА БОРАЁТГАНЛАР

улар ўзларига ўзлари дард орттириб олишмаяптими?

Бугунги кунда қаерга қарамайлик, ёмғирдан кейин бод-раб чиққан кўзиқориндай кўпайиб бораётган дорихо-налар ва шифохоналарга кўзимиз тушади. Деярли бе-пул шуғулланиш мумкин бўлган стадионлар, спорт майдон-чалари ва сузиш хавзалари эса хувиллаб қолган...

Ажаб, нега бундай? Нега саломатлигимизни асрашга ва мустаҳкамлашга хизмат қилувчи, барча шарт-шароитларга эга иншоотларнинг мижозлари камайиб, дорихоналару пулли хусусий шифохоналар гавжумлашиб бораётми?

Тасаввур қилинг, қутилмаганда тобингиз қочиб қолади. Оила аъзоларингиз сизни тезда шифокорга олиб бормоқчи бўлишади. Сиз эса, ота-боболаримиздан мерос одатга кўра, «Шошмай туринглар», деб уларнинг таклифини рад этасиз. Лекин энгил машинангизнинг бирор детали носоз ҳолатга келса, дарҳол устахонага олиб бориб, тузатиш пайида бўласиз. Ховлингизда боқилаётган мол-ҳолингиз касал бўлганда ҳам зудлик билан ветеринария шифокорини чақирасиз.

Бу гаплар барчамизга тааллуқли. Бор ҳақиқат шунки, биз кўпинча соғлиқнинг қадрига етмаймиз, уни ҳар доим бир-дек асраб-авайлаш учун ҳаракат қилмаймиз. Жумладан, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш кони фойда эканлигини ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Дунё миқёсида оладиган бўлсак, World Health Organization маълумотларига кўра, катта ёшли аҳолининг тахминан 31 фоизи жисмоний фаоллик бўйича тавсия этилган меъёр-

ларга риоя қилмайди. 11–17 ёшдаги ўсмирларнинг 80 фоиз-дан ортиги етарли даражада ҳаракатда бўлмайди. Ҳолбуки, камҳаракатлилик (гиподинамия) эрта ўлимга олиб келувчи асосий хавфли омиллардан бири саналади ва ҳар йили 5 миллионга яқин ўлимга сабабчи бўлади.

Organisation for Economic Co-operation and Development таҳлиллари натижасида аниқланишича, жисмоний фаол-ликнинг етишмаслиги соғлиқни сақлаш тизимига кучли бо-сим ўтказиб, келгуси ўн йилликларда миллионлаб кўшимча касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки Европа давлатларида ўрта ҳисобда аҳолининг 40–50 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланмайди. Айрим мамлакатларда бу кўрсаткич янада юқори.

АҚШдаги Centers for Disease Control and Prevention маълумотига қараганда, катталарнинг фақат 24 фоизга яқини ҳам аэроб, ҳам мушак машқлари бўйича тавсия этилган меъ-ёрни тўлиқ бажаради.

Яна бир гап. Дунёда урбанизация ва технологиялар таъ-сирида кундалик ҳаракат ҳажми кескин камайган. Масалан, кунлик юриш масофаси ўтган асрдиги нисбатан бир неча баробарга қисқарган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб ту-рибдики, одамлар ўз саломатлигига нисбатан анча бе-парво бўлиб қолишган. Шу боис жорий йил 7 апрелда Президентимиз раислигида жисмоний тарбия ва спорт

Мароқли дам олинг азиз газетхон!

Ўлмас Саиджонов изросида

«КАМДАН КАМ» ҚЎШИГИ

Қадрдонликни дўст тутган жаҳонда ёр камдан кам, Самиий сўхбат истаб ошно гамхор камдан кам.

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OSIBNABAYOVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflari fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43 Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati — (+998-99) 688-00-27 Namangan viloyati — (+998-99) 213-09-66 Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati — (+998-99) 193-19-70 Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati — (+998-99) 889-96-01 Qashqadaryo viloyati — (+998-99) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Gulrubbegim ODASHBOYEVA

Musahhirlar:

Umidra XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDULLAJILOV

Boshlaga topshirish vaqti — 23.00 Topshirildi — 19.00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 228 ta

Shundan: 6 556 nusxasi «Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi — Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 471 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi — Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 201 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi — Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabloq. Buyurtma: G-511